

2019 йил 23-24 май кунлари Институтда “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлашда хотин-қизларнинг роли” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани

АХБОРОТ ХАТИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Тошкент шаҳрида 2019-йил 23-24-май

Илмий ва илмий техник анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” УВ УВПФ-4947-сон Фармони асосида белгиланган асосий вазифаларни мантиқий давом эттириш, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 2019-йил 25-февралдаги 133-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш ва “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да бажарилиши режалаштирилган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар фаоллигини таъминлашга эришиш борасида **2019 йил 23-24 май кунлари Институтда “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлашда хотин-қизларнинг роли” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш режалаштирилган.**

Мазкур анжуманда илмий мақола ва тезислар тўплами чоп этилиши кўзда тутилган. Ушбу анжуманда ўз мақола ва тезислари билан илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил тадқиқотчилар, магистратура ва бакалаврият талабалари иштирок этадилар.

Илмий мақолалар тўплами қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

- Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлашда аёлларнинг роли.
- Таълим-тарбия соҳасида хотин-қизларнинг ўз қобилиятлари ва имкониятларини руёбга чиқаришнинг шарт-шароитлари.
- Давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодиёт тармоқларида хотин-қизларнинг ўрни ва уларни қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари.
- Хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришнинг замонавий муаммолари.
- Қизларни соғлом турмуш тарзи ва оила қуришга тайёрлашнинг долзарб масалалари.
- Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда тадқиқотчи хотин-қизларнинг тутган ўрни.

Илмий мақолаларни қабул қилиш талаблари:

I. Илмий мақоланинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши шарт:

- 1.1. Тадқиқот мавзуси доирасида мавжуд муаммо.
- 1.2. Муаммони ҳал этиш йўллари.
- 1.3. Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар.
- 1.4. Кутилаётган самара.

II. Мақолалар жиддий таҳрир қилинган ва расмийлаштиришнинг барча техник

талабларига мос келиши зарур, жумладан:

- матн муҳаррири – MS Word 2003, 2007;
- саҳифа – А4 ўлчовида, китоб кўринишида, барча томонлардан 2 см қолдирилган;
- шрифт – Times New Roman, ўлчови (кегль) – 14;
- қатор оралиғи ва хат бошидаги оралиқ – 1,5;
- мақоланинг ҳажми 5-7 бет;
- юқори ўнг бурчакда муаллифнинг тўлиқ фамилияси, исми ва шарифи, илмий даражаси ва унвони, ловозими, ташкилот номи, илмий материал номи эса ўртада (қалин (жырный) ҳарфлар билан) ёзилади;
- барча жадвал, схема ва расмлар MS Word форматда, Times New Roman шрифтида, уларнинг номи схема ва расмлар пастида, жадваллар тепасида бўлиши керак;
- барча график, диаграммалар MS Excel форматда бўлиши керак;
- формулалар MS Equation редакторида ёзилган бўлиши керак;
- жадвал, расм ва графикларда манбалар ва матнда уларга ҳаволалар кўрсатилган бўлиши керак;
- ҳаволалар ҳар бир бетнинг пастида қисмида жойлаштирилади;
- илмий мақола, ўзбек, рус ёки инглиз тилида бўлиши мумкин.

III. Илмий мақолалар анкетаси билан тўлдирилган ҳолда электрон ва чоп этилган шаклда ташкилий қўмитага 2019 йил 10-майгача ТИҚХММИ Б-бино 1-қават Хотин-қизлар қўмитаси манзилига топширилиши зарур.

Мурожаат учун телефон: (+99871) 237 19 93

Телеграмм рақами: (90) 901-36-76.

Электронпочта манзили: tiqxmami_ayollar_konf@mail.ru

IV. Тақдим этилувчи илмий мақолалар юқорида келтирилган талабларга мослиги бўйича экспертиза, жумладан, антиплагиат дастури текширувидан ҳам ўтказилади.

Экспертиза хулосаси ижобий бўлган илмий мақолалар нашр учун тўпламга киритилади.